

HUQUQ

27

(290)

YURIDIK GAZETA

Iyul

D.	7	14	21	28	
S.	1	8	15	22	29
Ch.	2	9	16	23	30
P.	3	10	17	24	31
J.	4	11	18	25	
Sh.	5	12	19	26	
Y.	6	13	20	27	

2003

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ E-mail:Info@huquq.uz

Чоршанбадан Чоршанбагача

2 июль

Ўзбекистон Республикаси Президенти «АҚШнинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкуллда ва Мухтор Элчиси Жон Эдвард Хёрбстни «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

3 июль

Президент Ислам Каримов Оксаройда Ж.Хёрбстни Ўзбекистондаги элчилик ваколати ниҳоясига етгани муносабати билан қабул қилди.

5 июль

Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида иштирок этиш учун 5-6 июль кунлари Алмати шаҳрига ташриф бурди.

7 июль

Олий Мажлисида парламент хузуридаги Амалдаги қонунлар мониторинги институти ташаббуси билан «Қонунчилик мониторингининг механизми: мавжуд тажриба ва уни янада тақомиллаштириш йўллари» мавзусида анжуман ўтказилди.

8 июль

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ички бозорни ёғоч-тахта материаллари билан тўлдиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Қарори матбуотда эълон қилинди.



Чаман ичинда бир гул...

М.НУРИНБОЕВ олган сурат

ЮЗ СЎМГА ЧОЙ, БЕШ ЮЗ СЎМГА ЖОЙ

Меҳмоннавозлик,
одамгарчилик
деган ўзбекона
тантлилик қаерга
кетди экан?

3-бет

БУВНИ ҚИМЛАР ЛОЙҚАЛАТМОҚДА?

Хар қалай вилоят марказида жойлашган бутун бошли бир маҳаллада бирорта чойхона, ҳатто сартарошхона (бошқа маданий-маиший хизмат кўрсатиш шахобчаларини айтмай қўя қолайлик) йўқлиги ачинарли ҳолдир.

4-бет

ҲАММОВЗҚ РАҚИБЛАР

— Жиддий иш бор. Бир хира йигитни тинчитиш керак.
— Екмагани учуми ёки?..
— Ундай дема, «лойи»га яраша иш. Оғзингга сикқанча оласан, билдингми?

6-бет

МАФИОЗЛАР СИФИНАДИГАН МОЗОР

Санкт-Петербургдаги Ваганьков қабристониде қимматбаҳо оқ мрамардан ясалган аёл кишининг ҳайкали бор. Едгорлик пойидаги тош «Соня, яшашни ўргат», «Бизга ҳам бахт бер» сингари ёзувлар билан тўлган. Ҳайкал остидаги қабрда эса қўзларни мангу уйқуга юмилган, ҳанузгача номи унутилмаган қўли гул Сонка ётибди.

7-бет

ANJUMANDAN SO'NG

БАҲС МАДАНИЯТИ

БИР ВАҚТЛАР партиявийлик деган гап бўларди. Ижтимоий фанларда бўлиши мумкин деган балки. Аниқ фанларда у нима қилисин? Йўқил нуктаи назариданми ёхуд сармомдор нуктаи назаридан қарайсанми, барибир фан ўзгармайди. Аммо мамлакатимиздаги иқтисодий муаммоларга ватанпарварлик нуктаи назаридан ёндашиш деган фикр менга маъқул. Қизиқиб танқид қилиш осон, камчиликларни бартараф қилиш мушкул. Ҳуқуқий мавзуда ёздиган журналист қўлига қалам олар экан, ҳолисона, некинлик билан фикр юритиши, қонуннинг ислохотларга, муаммоларни ҳал қилишга нечоғли таъсир қилаётганлигини аниқ мисоллар билан баён қила билиши керак.

Ҳуқуқ илмидан бир қадар хабардор, ўзбек тили бойлигидан баҳраманд журналистнинг қалами югурик бўлади. Мухбир эркин бўлсин деб лоф уришади. Виждонли журналист эркиндир. Таъмадан йирик ҳуқуқшунос ҳам, журналист ҳам ўз фикрини дадил айта олади.

Журналист ва прокуратура ходими «сен зўрми, мен зўр» қабиллада ҳаракат қиладиган, ҳар қайси ўз касбини ортиқча

баҳолаб кериладиган жойда ҳамкорлик бўлмайди. Бир-бирдан кўркиб ҳаракат қиладиган ҳуқуқшуноснинг ҳам, журналистнинг ҳам ҳолига вой.

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти паст бўлса, бунга оммавий ахборот воситалари ҳам айбдордир. Улар халқимизнинг нафақат ҳуқуқий, балки умумий савиясини ошириш учун етарли иш қиляптиларми? Бу борада олимлар, ҳуқуқшунослар билан ҳамкорлик давр талаби даражасидами?

Июннинг бошида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ўтказилган матбуот анжумани шу муаммоларга бағишланди. Мулоқот очик, гоҳо аччиқ, гоҳо муросали бўлди. Ҳеч ким сиз нотўғри гапираянми демади. Кишининг ўз фикрига эга бўлишига қатта эҳтиром бу. Муқими, ҳар ким ўзи учун қимматли ниманидир ололди. Хайрият, биз ҳам бахс юритишни ўрганапмиз.

Довуд МАДИЕВ,
Қашқадарё вилоят прокуратурининг
қатта ёрдамчиси

Афоризли

Продат бўлмаса,
саодат излама,
Риёзат чекмайин
ижобат излама.
Шайх САЪДИЙ



КЕЙИНГИ СОНДА:

Журналист суриштируви

ЁЗИШМАГА ҚАРШИ ЁЗИШМАЛАР

